

Ана шу текширишлар ушбу икки ҳадиснинг маълум сабабларга кўра айтилганлиги, кейин эса бошқа ҳадислар ила насх қилинганини кўрсатади.

تَزَهُ أَنْ دَقِدِي مَوِي أَنْ أَوْ رَامِحَ لَعَابِ كَارُتْ لَبَقَا: لَأَقُ هُنَّ عُلُجَلُ لِي ضَرَّ سَابَعَنْ بِنَانِ عِ
رِيغَ لِي لِي نَمَبِ سَانِ لِي بِي لِي صِي مَسَوِي هِي لَعُ هِلَلِ لِي صِدْ هِلَلِ لِي أُسْرَوَ مَالِ تَحَالِ
يَفُ تَلَحَّ دَوُ، عِ تَرَتَنَاتِ لِي تَلَسْرَأُو تَلَزَنَفُ، فُصَلِ لِي ضَعَبُ دِي نِي بِي تَرَمَفُ، رَادِجِ
نِي بِي نَاتِ لِي تَرَمَفُ، عِي أَوْ يَفَوُ، عَسَمَ لِي هَاوَرُ، دَحَ أِي لَعِ كَلِ دَرُ كُنِي مَلَفُ فُصَلِ لِي
مَهَاتِ لِي صِ عَطَقَتْ مَلَفُ مَهِي دِي أ

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одамлар билан Минода девордан бошқа томонга намоз ўқиб турганларида эшак миниб, илгарилаб бордим. Ўшанда балоғатга етай деб қолган эдим. Сафнинг баъзисини ўтиб туриб, тушдим ва эшакни ўтлатиш учун қўйиб юбориб, сафга кирдим. Буни менга ҳеч ким инкор қилмади».

Бешовлари ривоят қилганлар.

Бошқа бир ривоятда:

«Бас, эшак уларнинг олдиларидан ўтди ва намозларини бузмади», дейилган.

Шарҳ: Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу ҳикоя қилаётган ушбу ҳодиса видолашув ҳажи йилида бўлган. Бу ҳаж Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг охирги ҳажлари эди.

Демак, бу ҳодиса олдинги икки ривоятдан кейин бўлганлиги аниқ. Шунинг учун бу ҳадис аввалгиларни насх қилади.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳунинг сутрасиз намоз ўқиётган кишиларнинг олдидан эшак миниб ўтганлари, қўйиб юборган эшаклари ҳамма намозхонларнинг олдидан ўтиб кетгани ҳамда ҳеч ким бир оғиз гап айтмаганлиги сутрасиз намоз ўқиётган одамнинг олдидан эшак ўтса, зарари йўқлигига далолат қилади.

Ҳадисдан маълум бўладигани, Ибн Аббос розияллоҳу анҳу ёшликларидан кўп нарсани биладиган, тақводор зот бўлганлар.

بَلَّ كَلِّ أَعَطَقِي: أُولَاقِ وَهَالِصِ لِي عَطَقِي أَمَ أَدَنَ عَرَ كُذُّ هُنَّ أَعُ هِلَلِ لِي ضَرَّ سَابَعَنْ عِنَ
رُمُ خَلَابِ أَنْ وَمُتَّهَبَشُ دَقُ، عِي أَوْ يَفَوُ، أَبَالِ كِ أَنْ وَمُتَّ لَعَجُ دَقَلُ: تَلِاقُفُ، عَارَمَلِ أَوْ رَامِحَلِ أَوْ
نِي بِي وَهَنِي بَلِ يَنْ أَوْ يَلِ صِي □ مَسَوِي هِي لَعُ هِلَلِ لِي صِي بِنِ لِي تِي أَرُ دَقَلُ، بَالِ كَلِ أَوْ

هُلِّبْ قَوْلَ سَأَلْنَا هَذَا أَفْءَجْ أَجْلِي لَنْ نُكْتَفَ بِرِيْسِ الْجَلْعِ عَجْ طُضْمُ أَنْ أَوْ لَبِّ قَوْلِي
سَيَذْمُرْتَلَا أَلْهُ سَمَّ حُلْهُ أَوْرَ. أَلْ أَلْ سُنَّ أَلْ سُنَّ أَلْ

Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«У кишининг ҳузурларида намозни кесадиган нарсалар зикр қилинди.

«Намозни ит, эшак ва аёл киши кесади», дедилар.

Бас, у киши:

«Батаҳқиқ, бизни итларга тенг қилдинглар», дедилар».

Бошқа бир ривоятда эса:

«Батаҳқиқ, бизларни эшаклар ва итларга ўхшатдингиз. Набий соллаллоху алайҳи васаллам намоз ўқиётганларида мен у киши билан қибланинг орасида бўлганим бор. Мен сўри устида ёнбошлаб ётар эдим. Агар бирор ҳожатим чиқиб қолса, у кишига юзлангим келмай, секин сурилиб чиқиб кетар эдим», дедилар».

Бешовларидан фақат Термизий ривоят қилмаган.

Шарҳ: Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Оиша онамизнинг ҳузурларида саҳобаи киромларнинг илмий мажлис қилишлари.
2. Кейинчалик ҳам ит, эшак ва аёл киши намозхоннинг олдидан ўтса, намоз бузиладими, йўқми, деган мавзуда баҳслар бўлганлиги.
3. Оиша онамизнинг мазкур гапларни аёлларни камситиш, деб хафа бўлганлари.
4. Оиша онамизнинг илмий мажлисларда сўзлашлари.
5. Аёл киши намозхоннинг олдидан ўтса, намоз бузилмаслиги.
6. Эрнинг ётган хотини томонга қараб намоз ўқиши жоизлиги.
7. Намоз ўқиётган одамнинг қаршисидаги киши унга юзланмаслиги кераклиги.

يَفَايَ الْجَرَوِّ مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلُ لِيَصَّهْلُ لَوْلَا لُؤْسَرُ يَدَيْ نَبِيٍّ مُبَانًا تُنْكَرُ: تَلَاقُ أَوْ هَنْعًا وَ
ذِي مَوِيٍّ تُوِيٍّ بَلْ أَوْ أُمَّهُ تَطَسَّبَ مَاقِ إِذْ إِفَّيَّ لَجْرُ تَضَبَّ قَفَّ يَنْزَمُ غَدَجَسَ إِذْ إِفَّ هَتَلْبِقُ
نَاخِيَّ شَلَّ أَوْ رَحِيْبًا صَمَلًا أَيْ لَأَخ

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олд томонларида ухлар эдим. Икки оёғим у кишининг қибласида бўлар эди. Қачон сажда қиладиган бўлсалар, қўл теккизар эдилар ва мен оёқларимни йиғиштириб олар, турсалар, уларни узатар эдим. Ўша кунларда уйларда чироқлар бўлмас эди».

Икки Шайх ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ушбу ҳадис ҳам аёл киши намоз ўқувчи одамнинг олдида ётса, ҳатто баданига тегса ҳам, намоз бузилмаслигига кучли далилдир. Яна ушбу ривоятдан Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам кечаси таҳажжуд намоз ўқишлари, чироқсиз тор уйда яшаганликлари маълум бўлади. Бу нарсаларнинг барчаси бизга ибрат бўлмоғи керак.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 4-жузи асосида тайёрланди.